



IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли халқимиз фаровонлигини ошириш, кўпмиллатли жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Буларнинг барчаси бағрикенглик, саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини мамлакатимизда тинч-тотув, файзли ва шукуҳли муҳитда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга эл-юртимиз ўртасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдамга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар айна кунларда янада яққол намоён бўлаётгани ҳам тасдиқлайди.

Улуғ айём – муқаддас Рамазон ҳайитини ана шундай хайрли ишларни изчил давом эттирган ҳолда ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, ўтказиш ва унинг моҳиятида мужассам бўлган эзгу қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг

биринчи кун **30 март – якшанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2025 йил **30 март** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

(а) ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи Рамазон ҳайитининг биринчи кун **2025 йилда** якшанба – дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш куни **31 март – душанба** кунига кўчирилиши;

(б) бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар куни хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари кўчирилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана**

ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм кўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида **мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 март

Даромадларни декларациялаш

коррупцияга қарши
курашда ечим бўла
олади...ми?

4



ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗГА МУНОСИБСИЗ

Сабр-қаноат, матонат, меҳнатсеварликда ўзбек аёлига тенг келадигани дунёда йўқ. Улуғ шоиримиз “Яшаса болам деб яшайди ўзбек” деганида ҳам унинг барча сифату фазилатларини бир сатрда жамлаб қўя қолган эди.

Зеро, оналаримиз фарзандларини ҳалол луқма билан улғайтириб, ўқиши, камолга етиши, эл қорига яраши учун турмуш ўртоғи билан баробар елиб-югуради, бирор вақтини бўш ўтказмайди, оила иқтисоди ва фаровонлигига барабар ҳисса қўишни истади, меҳнатда ҳам завқ топади. Энг муҳими, бўш ўтир-

маса бўлди! Бўш қолиш ва эътиборсизлик унинг таъбини хира қилади.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 14 мартда “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади ва 19 март куни эса кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашди. Хўжанинг ҳам, мулоқотнинг ҳам диққат марказида нозик хилқат вакилларининг бандлигини таъминлаш, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, олий таълим билан қамраб олиш ва санаторийларда соғломлаштириш масалалари бўлди. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракция аъзоларининг ушбу мавзуларга оид муносабатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

2



ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

ХАЛҚЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАММАМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

24 март, душанба, соат роппа-роса ўн!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланди. Маълумки, бу нуфузли ҳайъат йиғилиши ҳар доим ҳам ўтказилавермайди. Демак, кун тартибидаги масалалар жиддий: биринчиси “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да O'zLiDeP сайловолди дастурида белгиланган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси муҳокамаси...

Табиийки, энг биринчи, муҳим масала юзасидан Ўз-

бекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, парламентдаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов бевосита сиёсий куч томонидан қилинган амалий ишлар хусусида қисқагина, лекин бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳақида атрофлича маъруза қилди. Изоҳ берилганидек: “Ютуқлар ўзимизники, бугун фаолиятимизга танқидий кўз билан қарайлик, одамлар партиядан, сизу халқчил ташаббуслар, қатъий позиция ва сиёсий ирода, маънавий жасоратни кутмоқда”.

3

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ:

Илгаридан
ҳам
Ватан
бор
экан...



6



Гулчехра ЖЎРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Аёл – жамият гултожи, борлиқ кўзгуси.
Унинг меҳр-муҳаббати эртамиз эгаларининг
униб-ўсиши, камол топишга сабаб бўлади.
Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади.

Хукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятда уларнинг қадри ва қаддини кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу хайрли ишларнинг самарасини эса опа-сингилларимиз ўз ҳаётларида ҳис этишмоқда.

Президентимизнинг тегишли фармони билан қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган миллий дастурга мувофиқ, хотин-қизларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, илм-фан ва инновациялар соҳасига жалб этиш, олий таълимга қизиқиши рағбатлантириляпти, ҳуқуқий са-

водхонлиги ошириляпти, “Аёллар дафтари”даги ва кўмакка муҳтожлар ҳолидан мунтазам хабар олинапти. Ҳар томонлама ўрناк бўлган опа-сингилларимиз эъзозланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Мўътабар аёл”, “Ибратли оила” каби кўкрак нишонлари билан тақдирланмоқда.

Маърифатпарвар олим Абдулла Авлоний “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”, деганида минг қарра ҳақ эди. Дарҳақиқат, фарзанд тарбиясида онанинг ўрни алоҳида, унга меҳр деган улуғ туйғуни онадан бошқа ҳеч ким бера олмайди.

Хотин-қизларга яратилган кенг имкониятлар самарасида, масалан, Фарғона вилоятида биргина ўтган йилда қўллаб хайрли ишлар амалга оширилди. Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган 150 нафар қиз ва боқувчисини йўқотган ёлғиз хотин-қизларнинг 272 млн сўм миқдоридаги тўлов контрактлари тўлаб берилди. 1 065 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз бепул даволанди, 99 нафарининг жарроҳлик амалиёти учун 1 млрд 831 млн сўм маблағ жамғарма ҳисобидан қопланди, 85 нафари эса уй-жой билан таъминланди.

“Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож 109 506 нафар хотин-қизга беминнат ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун республика ва маҳаллий бюджет ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан 69,5 млрд сўм маблағ сарфланди.

62 280 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш истагида бўлган 14 104 нафар аёлга 375 млрд 750 млн сўм имтиёзли кредит ажратилди. 20 931 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 181 та маҳаллада аёллар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ишга туширилиб, 847 нафарининг бандлиги таъминланди, 789 нафари эса касб-ҳунарга ўқитилди.

Яна бир жонли мисол: Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани Катта Кенагас маҳалласида истиқомат қилувчи Қизлархон Мирзабоева “Аёллар дафтари”нинг эҳтиёжманд ишсиз хотин-қизлар тоифасига олинган эди. У вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан ўқитилган, ўз бизнесини бошлади ва бугунги кунда салоҳиятли тадбиркорга айланди, энди бизнесини бошлаётганларга сабоқ бермоқда.

Янги йилда ҳам бундай саховат тадбирлари давом эттирилмоқда. Хусусан, 98 минг нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га киритилиб, 6 тоифа кесимида ёрдам кўрсатилади. 27 315 минг нафари ишга жойлаштирилади, 36 776 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилади, тадбиркорлик йўналишидаги 78 та янги лойиҳа амалга оширилади.

Барно БЕРДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Сўнгги йилларда хотин-қизлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда, ҳар бир жабҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётир. Президентимиз таъкидлаганидек, уй-рўзғор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар – замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир.

Уларнинг турли соҳаларда эришаётган улкан ютуқ ва муваффақиятлари юртимизда аёлларга бўлган эътиборнинг юксаклигидан далолат. Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 14 мартда имзоланган “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ҳам бу каби эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қувонарлиси, мазкур қарор билан жорий йилнинг 1 майидан ижобий кредит тарихига эга бўлган хотин-қизларга 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади. 5 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашган минг нафар устоз тадбиркорларга 50 миллион сўмгача грант ажратилади. Айниқса, аёл тадбиркорлар учун кредитлар 2 фоиз арзонлаштирилиб, уларга кўпроқ молиявий кўмак берилади. Шунингдек, кичик бизнес учун 300 миллион сўмгача кредитлар бериш бошланиб, муваффақиятли тадбиркорлар учун гаровсиз тақдим этилади.

Бугун Хоразм вилояти аҳолисининг 1 миллион 14 минг нафари хотин-қизлардан иборат. Асосий меҳнат билан банд бўлганларнинг 50 фоизидан кўпроғи улар ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда 9 мингдан ортиқ хотин-қиз тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқда. Ўтган йили ҳудудда аёллар тадбиркорлиги кескин ортди, жумладан, айрим маҳаллаларда аёллар бандлигини таъминлашга аҳамият кескин кучайтирилди. Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизими равишда йўлга қўйилди ҳамда шу йилнинг ўзига 5 минг 34 нафар хотин-қиз бизнес фаолиятини бошлади.

Бунда Президентимизнинг ўтган йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан кредит ресурслари ажратилгани низоҳатда катта аҳамият касб этди. Қарорда берилган имтиёз ва имкониятлар натижасида 83 минг 794 нафар опа-сингилларимизнинг бандлиги таъминланди.

Барчамиз яхши билимиз, бир неча йил олдин мамлакатимизда мунис ва муътабар аёлларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган мутлақо янги тизим шакллантирилган эди. “Аёллар дафтари”



нозик хилқат вакилаларининг манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш, уларнинг ўз ҳаётидан рози ва майдон яшашлари учун барча имкониятларни яратишга замин бўлмоқда. Вилоятда ушбу дафтарга киритилган 41 минг 920 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларнинг 1 минг 961 нафарига сармоя ажратилди. Боқувчиси бўлмаган 7 минг 226 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам берилди. Шундан 93 нафарининг уй-жойи таъминланди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлганларнинг 6 минг 857 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 31 нафарига уй-жой ажратилди, 293 нафарига эса ижара компенсацияси тўланди. Қарамоғида ногиронлиги бор фарзандлари бўлган эҳтиёжманд 3 минг 628 нафар аёлга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Шундан 92 нафар хотин-қизга томорқадан унумли фойдаланиши учун кўмаклашилди.

Бу борада ҳамкор ташкилотларнинг ҳам кўмаги муҳим ўрин тутади. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси кўмағида 3 минг 518 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. 12 минг 53 нафари доимий, 2 минг 818 нафари вақтинчалик, 5 минг 113 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 171 нафари аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилган ҳолда банд қилинди.

Юртбошимиз имзолаган янги қарорда белгиланган имтиёзлар асосида жорий йилда вилоят миқёсида 41 минг 840 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, шу билан биргаликда, эҳтиёжманд аёлларни санаторийларда соғломлаштириш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича семинарлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, уларнинг 25 минг 963 нафари касб-ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади. 5 минг 431 нафар хотин-қиз лидер тадбиркор аёлларга бириктирилади. 1 минг 356 нафар хунарамандга 13 минг 560 нафари бириктирилди, 2 минг 276 нафари миграциядан қайтарилиб, бандлиги таъминланади. 1 минг 428 та хонадонда кичик ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилади. “Аёллар дафтари”га киритиш орқали 1 минг 401 нафар эҳтиёжманд опа-сингилларимиз тадбиркорлиги йўлга қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор қўллаб хотин-қизларимиз ҳаёти, ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш баробарида уларнинг оилавий даромадини ошириш орқали турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

КИЧИК БИЗНЕС УЮШМАСИ МУҲИМ ПЛАТФОРМАГА АЙЛанади

Одинахон
ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати,
О'zLiDeP
фракцияси
аъзоси



2025 йилнинг 19 март кuni Президентимиз кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан ўтказган учрашувда ушбу истикболли соҳани ривожлантириш учун жорий йилда барча манбалар ҳисобидан 10 миллиард доллар йўналтирилиши белгилаб берилди.

Хусусан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 триллион сўмлик имтиёзли ресурс, шундан 2,5 триллион сўми ёшларга, яна шунчаси аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун ажратилиши таъкидланди. Келгусида аёл тадбиркорларга кредит ставкаси бошқаларга нисбатан 2 фоиз арзон берилиши ҳам юртимизда нозик вакиллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир қадам, десак муболага бўлмайди.

Бундан ташқари, эндиликда Кичик бизнес уюшмаси ташкил этилиши тадбиркорлар яккама-якка эмас, балки бирлашган ҳолда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти яратилишини билдиради. Бундай тузилма кичик бизнес вакиллари учун муҳим

платформага айланиши, уларнинг овози барча даражада эшитилишига ёрдам беради.

Айтиш жоизки, бундай тажриба хорижий мамлакатларда, хусусан, Жанубий Корея, Туркия ва Европада аввалдан йўлга қўйилган. Масалан, Жанубий Кореяда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича KOSME (Korea SMEs and Startups Agency) ташкилоти фаолият юритади. Ушбу агентлик орқали бизнес учун кредитлар, грантлар, экспортга чиқиш имкониятлари яратилади. Шунингдек, давлат кичик бизнес вакиллариغا инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун алоҳида имтиёзлар бериб, уларни йирик компаниялар билан тенглаштиришга ҳаракат қилади. Умид қиламизки, ташкил этилаётган ушбу уюшма ҳам хориждаги аналоглари каби бу тармоқ вакилларининг манфаатларини ишончли ҳимоя қилади.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий эркинлиги мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим жиҳат ҳисобланади. Бундай имкониятларнинг яратилиши ва янги тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларга берилаётган имтиёзлар эса келгусида иш ўринлари ташкил этишга, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш йўлида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтайди.

МИЛЛИЙ БРЕНДЛАР БИЛАН ЖАҲОНГА ЧИҚИЛСА...

Юлдузой МАМАДИЁРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси



Кўп бора кузатамиз: аҳолининг каттагина қатлами, айниқса, хотин-қизларни қамраб оладиган соҳа-хунарамандчиликдир. Бундан оқилона фойдаланиш учун биргаликда режалаштирилган, тизим мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда ишлаш самара беради. Ушбу тизим соддалаштирилса, яна яхши.

19 март кuni кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан ўтказган учрашувда Президентимиз бежиз янги ташаббусларни илгари сурмади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича хорижий экспертлар билан катта дастур ишлаб чиқилиб, бунинг учун 2025 йилда барча манбалар ҳисобидан 10 млрд доллар ажратилиши айтиб ўтилди.

Айнан аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш учун 2,5 триллион сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Бу, албатта, ҳазилакам маблағ эмас. Ривожланган мамлакатлар қаторида ва уларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, соҳадаги агентлик ва жамғармалар ўрнига Савдони ривожлантириш компанияси ташкил этилиши қайд этилди. Туманларда ишлаб чиқариш, саноат зоналари ва экспорт масалаларини яхлит тизимда бирлаштириш мақсад қилинаётгани таъкидланиб, 12 тармоқ ва саноат уюшмасини Савдо-саноат палатаси тизимига ўтказиш таклифи ўртага ташланди. Шунга қўра, Савдо-саноат палатаси чет элдан малакали дизайнер технолог ва маркетингларни жалб этиб, миллий маҳсулотларни халқаро талабларга мослаштириш, экспортчиларни янги бозорларга чиқишига кўмаклашиш, миллий брендларни хорижда тарғиб қилиш билан шуғулланиши лозим.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш миллий брендлар билан уйғунлашганига, ҳозирги товар айланмаси бир неча баробарга ошиши мумкин. Хорижийлар айнан маҳсулот олаётганида брендга жуда катта эътибор қаратишади. Ва бренди бор корхона улар учун ишончли кафолат ҳисобланади. Миллий брендни олишда хунарамандлар учун имтиёз

лар берилади. Ҳар бир туман-шаҳарларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳа офислари иш бошлайди. Ушбу мақсаднинг ўзига 100 млрд сўм ажратилади (Франция тараққиёт агентлиги эса аёллар тадбиркорлиги учун 30 миллион евро ажратмоқда).

Белгиланганидек, таъминли 2 миллиондан ортиқ аёлнинг доимий иш билан даярланиши учун 250 миқдорида яқин хотин-қиз турли йўналишлар бўйича ўқитилади. Гапнинг дангалини айтганда, эндиликда Ўзбекистонда кичик бизнесни тараққиёт этириш учун беш йиллик стратегия ишлаб чиқилди. Албатта, бу каби улуғвор мақсадларга эришмоқ учун ҳамон айрим тўсиқлар борлигини ҳам инкор қилолмаймиз. Бу каби муаммоларга ҳамжиҳатликда ечим излаш аини мудоао.

Масалан, энг катта тўсиқ бу банклар билан боғлиқлиги сир эмас, яъни улар чин маънода тадбиркорларга мадад бўлолмаяпти. Буни ҳам очик айтиш керак-да. Оддий мисол: банклар кредит олиб банкротга учраган ёки қарзини ўз вақтида қайтаролмаган тадбиркор билан ҳақиқий ҳолатни ўрганиш учун камдан кам ҳоллардагина юзма-юз мулоқот қилади. Аксарият ҳолларда улар юридик ёрдам кўрсатишдан қочади. Нега? Ахир қачонгача банк ўз мижозини, тадбиркорни ҳимоя қилишга маълум қилади?

Шу каби муаммолар юзасидан шахсан ўзим ҳам банк мутасаддилари билан учрашиб, ушбу масалани кўтарганман. Ҳар бир ҳудуднинг банк ҳодимлари ўша жойининг ша-роитидан келиб чиқиб, асосли таклифларини кўрқмасдан айта олиши ва бунга республикадаги банк раҳбарлари рухсат бериши керак деб ўйлайман. Шаффофлик ва эркин ишлаш ҳар биримиз учун шиор бўлмоғи шарт.

Кичик тадбиркорлик субъектлари, масалан, хунарамандчилик йўналишини танлаганлар бу ишни ҳар доим қонуний асосда оиласи билан ташкил этади. Энди тасаввур қилинг, улар битта маҳсулотни ишлаб чиқаришдан то харидорга етиб борганига қадар қанча қийинчиликларга дуч келади. Четдан келадиган 60 фоиз хомашё, аксессуар, материаллар ҳар доим ҳам етарли бўлмайди. Туристларнинг келиши мавсумий бўлгани учун йилда икки марта савдолар тўхтаб қолади. Табиийки, бундай пайтда айланма маблағ етишмаслиги қийинчилик туғдиради ва ўз вақтида ишчиларнинг ҳақини беролмайди, оқибатда улар кетиб қолади. Маркетинг саводхонлиги, яъни товарнинг харидорбонлигини ошириш, дизайни, сифати, миллий бренди устида ишлаш, таннариҳини арзонлаштириш ва ўзининг кутган даромадини белгилашни кўпчилик хунараманд билмайди. Биладиганлар эса санокли.

Германия мисолида оладиган бўлсак, ҳар бир ҳудудда айнан зарур соҳа бўйича бизнес қураторлар тайинланади ва улар кичик ва ўрта бизнес вакилининг даромади камида 30 000 евро бўлмагунича у билан ишлайди. Яъни маҳсулотнинг харидорбонлиги, бренд олиш, қайси бозорда сотиш, маблағнинг тўғри тақсимланишига ҳам маслаҳат бериб, ҳатто экспортга чиқишига қадар қараёнага кўмаклашади.

Айнан бизнинг юртимизда ҳам худди шундай тажрибаларни ҳеч иккиланмасдан қўллаш мумкин. Бунинг учун шарт бор, имконият ва имтиёзлар ҳам етарли. Фақатгина иқтисодий билимимизни ошириш билан бирга, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизга оид қонуний асосларни ҳам пухта эгалласак, ютқизмаймиз.



ХАЛҚЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАММАМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Албатта, биласиз, сиёсий фаолият кўлами ҳар доим бирданига кўринавермайди. Тадбирлар, фракциядаги муҳокамалар, депутатлик сўрови, сайловчилар билан юз-ма-юз мулоқотлар, аҳоли муурожаатлари, эшитувлар... хуллас, ҳеч қандай қолигга сиймайдиган жараёнлар давом этаётди!

Ақтам Хаитовни кузатаман: аксар ҳолларда у тайёрланган маърузани ҳар қандай мулоқот, расмийми, жамоатчилик орасидаги учрашувларда, қозғога қараб ўқиб ўтирмайди. Исталган масала хусусида тўғридан-тўғри ўз фикри, муносабатини билдириб қўя қолади. Кечаги йиғилишда ҳам шундай бўлди. Фақат айрим рақамларни келтиришда матнга қаради, холос.

Раис маърузасидан ИҚТИБОС: “Янги йилнинг биринчи чорагида партиямиз томонидан сайловолди дастури ижросини таъминлаш ва партия ғояларини акс эттиришга қаратилган **ўн мингдан ортиқ** турли даражадаги тадбирлар ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари – парламент депутатлари қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларига **таклифлар кири-тиш**, уларнинг мазмун-моҳиятини партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб шакллантириш, ижро органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш йўналишида фаолиятни кучайтиришяпти. Утган давр ичида бошқа фракциялар билан биргаликда **5 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам ташаббускор** бўлишди. Айниқса, фракциямиз аъзолари ташаббуси ва бевосита иштирокида жами **27 та** тadbир, жумладан, **7 та** семинар, **7 та** давра суҳбати ўтказилди. Шу вақтгача ўтказилган **13 та** фракция йиғилишида **124 та** масала кўриб чиқилди. Шулардан **14** таси давлатимиз раҳбарининг муҳим

та-кичик танаффусларга чиқиб кетади, деган мазмундаги бўлар-бўлмас иддаоларига мана шу фактлар ўзига хос жавоб бўлиши мумкин. Чунки сиёсий жараён ҳеч қачон тўхтамайди, ишонмаганлар, ана Олий Мажлисининг қуйи палатаси ҳамда Сенатда (ўз навбатида бешта сиёсий партия фракцияларида ҳам худди шундай қизғин муҳит ҳукмрон) деярли ҳар куни қатор масалалар юзасидан давом этаётган кескин муҳокамалар, тортишув, мунозараларни келиб кўрсин, кузатсин.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам, энг аввало, давлат ва халқ манфаатларига дахлдор қатор масала ва муаммолар таҳлили ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Партия лидери пойтахтдаги сиёсий муҳорабалардан фарқли ўлароқ, ҳудудлардаги халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳам анча кучайиб бораётганига алоҳида урғу берди. Энг асосий жиҳат, эндиликда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган кенгаш раислари бошчилик қилаётгани халқ манфаатларига мос келиши қайд этилди. Таъкидланганидек, **ҳокимларнинг 33 та ваколати маҳаллий кенгашларга ўтказилди** ва яна **17 та ваколатни ўтказиш режалаштирилмоқда**. Бу каби жиддий ўзгаришлар, табиийки, бир маҳаллар фаолияти кўпам сезилмаган маҳаллий кенгаш депутатларининг ташаббускорлиги ва масъулиятини янада ошириш баробарида, партия дастурида белгиланган энг муҳим мақсад ва вазифаларнинг ҳам самарали ижросини таъминлаши шубҳасиз.

Яна ИҚТИБОС: “О'zLiDePдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан **ижтимоий-иқтисодий** масалалар бўйича жами **461 та депутатлик сўрови** юборилиб, уларнинг **327 таси** ёки **71 фоизи** **ижобий** ҳал этилди. Шунингдек, жами **336 марта** маҳаллий ижро орган раҳбарларининг **ахборотлари** эшитилди. Сессияларга **78 марта** масалалар киритилиб, уларнинг **57 таси** қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди, **21 таси** эса ўрганиш жараёнида”.

Хўш, энди айтинг, булар қуруқ рақамлар эмас, аксинча, бу ҳаётий мисоллар ортида неча юзлаб юртдошларимизни ўйлантираётган муаммолар, ташвишлар ётибди! Бугун ҳеч ким, депутат, фаолларни қўяверинг, оддий одамлар ҳам мамлакатда содир бўлаётган барча жараёнларга томошабин бўлиб қараб ўтиргани йўқ.

Кўряпмиз-ку ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар силсиласида уларни. Албатта, ойни этак билан ёполмаймиз, машаққатлар, қийинчиликлар, камчиликлар ҳам оз эмас. Ўз навбатида партиявий ишларда ҳам бу каби нуқсонлар етарли. Ақтам Хаитов шуларни ҳам санаб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва **Жиззах** вилояти туманлари кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаол ишлаётганини эътифоз этган ҳолда, депутатлик назоратининг энг муҳим ва самарали шакли бўлган **назорат-таҳлил** фаолиятидан **Тошкент, Сирдарё вилоятлари** депутатлик гуруҳлари етарли даражада фойдаланмаётгани очик айтилди ва партиянинг **вилоятлар кенгашларида 259 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида 1 616 нафар депутат фаолият юритаётган бўлса-да**, утган давр мобайнида аҳоли орасида ташкил этилган тарғибот тадбирлари сони атиги **764 тани ташкил қилаётгани** мавжуд талаб ва имкониятларга нисбатан анча **паст даражада қолиб кетаётганини кўрсатади**.

Ҳақиқий баҳони халқ беради, деган гап китобий эмас, балки партия аъзолари ва вакиллари фаолиятига тугилган кўзгуга ўхшайди. Шундай экан, О'zLiDePчиларнинг ҳудудларда ишчи гуруҳ аъзолари сафида сайловчилар, жа-



ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

моатчилик вакиллари, бир сўз билан айтганда, эл-улус билан кечаётган жонли мулоқотлари одамларни рози қилиш йўлидаги энг тўғри қадамлардир, десак янглишмаймиз. Чунки давлат дастури ва партиянинг йўл харитаси ижроси доирасида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган муаммолар бўйича ўзини шу сиёсий кучга дахлдорман деб ҳисоблаган ҳар бир фаол, у депутатми, маҳаллий кенгаш вакилими, хуллас, ҳамма амалий ҳаракатини кўрсатишга интиломоқда.

Масалан, шу йилнинг январь-февраль ойларида **Жиззах** вилоятида, февраль-март ойларида эса **Сирдарё** вилоятида олиб борилган ўрганишлар натижаси ёмон бўлмади. Ҳудудларда бизнес вакиллари, талаба ёшлар, тиббиёт соҳаси, маҳалла еттилиги, фермерлар, аҳолининг бошқа қатламлари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар, аниқланган маълумотлар таҳлили партия нуфузини янада оширгани шубҳасиз. Биргина Жиззах вилоятидаги тизимли ўрганишлар жараёнида стартап лойиҳалари мавжуд ёшларни қўллаб-қувватлайдиган майдоннинг йўқлиги, аксарият ҳолларда иқтисодий судлар жавобгарнинг иштирокисиз ҳам ишларни кўраётгани, деҳқон хўжаликларига ер участкаларини аукцион орқали олишда бир оила аъзолари ёки ўзаро ҳамкор хўжаликлар ерлари майдон харитасининг турли лотларида жойлашиб қолгани туфайли муаммолар келиб чиқаётгани, ичимлик сувини махсус транспорт воситалари орқали аҳолига, тадбиркорлик субъектларига етказиб бериш фаолияти ҳуқуқий тартибга солинамани, қонунчилик ҳужжатларида маҳаллага 200 дан ортиқ функциялар юклатилгани ва уларнинг аксарияти маҳалланинг асосий фаолият йўналишларига боғлиқ бўлмагани каби бир қатор долзарб муаммолар аниқланиб, уларга жўяли ечим топиш хусусида жиддий таклифлар ўртага ташланди.

Яна бир эътиборли жиҳати, мажкур ўрганишлар ҳосиласи сифатида **“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги** ва **“Яйловлар тўғрисида”ги қонун** ҳамда Ўзбекистон Республикаси **Иқтисодий процессуал кодексининг** бир қатор моддаларига қўшимчалар киритиш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Жиззахдаги ўрганишлар ортидан депутатлар таклифларини тўплаш учун **“O'zLiDeP ғоялар генерацияси” электрон платформасини** яратиш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи **“INO-BRIDGE” лойиҳалар фабрикаси клубини** ташкил этиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва **“O'zLiDeP – 10 000 инновацион лойиҳа” дастури**ни ишга тушириш каби муҳим ташаббуслар белгиланди.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, деганларидек, кейинги йилларда куз охирида, қиш бошланиши билан турли ҳудудлардан нохуш хабарлар тарқалмоқда. Қайсидир қишлоқ ё шаҳарда бир оиладан ...киши ис газидан заҳарланиб вафот этгани ва турли сабаблар рўқач қилиниши, ниҳоят тегишли идоралар томонидан чоралар қўрилаётгани айтилади-ёзилади ва... минг афсуски, эътиборсизлик, хўжасизлик туфайли умри хазон бўлганлар ҳаётга қайтиб келмайди. Хўш, бу каби дахшадли воқеаларнинг олдини олиш

наҳот мумкин эмас? Қачон кўзимиз очилади, нега ҳар доим кечикиб юрамиз?

О'zLiDeP ташаббуси билан шу йил қишда **“Огоҳ бўлинг, ис гази!”** деб номланган ғоят хайрли акция ўтказилдики, буни алоҳида таъкидлаш лозим! Нега десангиз, ушбу тадбир доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган **10 минг** нафар фуқаро хонадонига ис газидан огоҳлантирувчи махсус қўрилма **бепул ўрнатиб берилди!** Унда ҳудудий кенгаш депутатлари, **2 мингга** яқин тадбиркор, партия фаоллари беминнат қатнашди, мутасадди ташкилотлардан **4 мингга** яқин мутахассис жалб қилинди. Асосийси, партия ташаббуси билан барча ҳудудларда яшайдиган аҳоли ўртасида хавфсизлик қондаларига қатъий риоя қилиш бўйича ташвиқот ишлари олиб борилди.

Тасаввур қилясизми, ким билади, балки битта ташаббус ва биргина акция доирасида қанчалаб инсонларнинг ҳаёти, мол-мулки сақлаб қолингандир. Албатта, бундай эзгу ишлар ўз-ўзидан амалга ошмайди.

Йиғилишда айнан ушбу лойиҳанинг халқимиз учун аҳамияти катта эканлиги ва бошқа мавсумларда ҳам одамлар бемалол фойдаланишлари лозимлиги ўқитириб ўтилди. Шунингдек, партия ташаббуси билан “О'zLiDeP Пресс клуби”, “Ёш тадбиркор ва ишбилармон ёшлар клуби” “Саломатлик сари”, “Бунёдкор аёллар”, “Бир депутат – юз аёлга қўмақчи!”, “Даровон оила”, “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови, “Парламентда ёшлар ўрни”, “Ёш сиёсатчилар лигаси”, “Қонун лойиҳаси ёшлар нигоҳида” каби ўнлаб истиқболли лойиҳаларни янада кучайтириш, тақомиллаштириш бўйича ҳам таклифлар билдирилди.

Кун тартибидоги асосий масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари Абдулла Аслонов, Виктор Пак, Гулшана Худоёрова, Адҳам Шодмонов ҳамда Ўзбекистон Фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, партия ҳузуридаги Фахрийлар кенгаши раиси Содиқжон Турдиев ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳам онлайн, ҳам офлайн тарзида ўтган йиғилиш ниҳоясига етди. Унда марказдан ва ҳудудлардан бугун сафларида икки миллиондан кўпроқ аъзоларни бирлаштирган энг йирик партия фаолиятига оид ҳаётий масалалар атрофлича муҳокама қилинди, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Шу Ватаннинг оддий бир фуқароси, қолаверса, ушбу сиёсий куч аъзоси сифатида бу йиғилиш жараёнини кузатар эканман, кўнглимнинг бир чеккасида ўзгача қониқиш, руҳланиш ҳиссини туйдим. Ахир, халқчил, ислоҳотларга барчамиз дахлдормиз.

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, журналист

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 2024 ЙИЛ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ВА 2025 ЙИЛ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳ И С О Б О Т

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 2003 йил 15 ноябрда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 3 декабрда давлат рўйхатидан ўтказилган. 2006 йил 18 январда эса 563-п-сон билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Партия ўз молиявий-хўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган “Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ташкилий-таркибий жиҳатдан партия 14 та юридик шахс мақомига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий кенгашлари ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмаган 209 та

туман ва шаҳар партия бўлиmlарида иборат. Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган ҳолда молиялаштирилади.

2024 йил давомида партиянинг ижроия аппаратларида 471 киши фаолият юритди, жумладан, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси аппаратида 58 киши, ҳудудий партия ташкилотлари ва туман (шаҳар) кенгашларида 413 киши.

2024 йил 1 январь ҳолатига партиянинг барча бўғинида бюджет ҳисобидан молиялаштирилаётган штат бирлиги 471 тани ташкил этди, жумладан, партия Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси аппаратида 58, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари аппаратларида 204, шунингдек, 209 туман (шаҳар) кенгашлари аппаратларидан иборатдир. Қўшимча штат бирликларини таъминлаш хўжалик ҳисобидан жойларда амалга оширилади.

Партия Уставига мувофиқ партияни молиялаштириш манбалари ҳудудий партия ташкилотлари ҳисоб рақамларига келиб тушган аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолияти-

дан олинган даромадлар, юридик шахслар ва фуқароларнинг хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа барча тушумлар ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2024 йил 1 январь ҳолатига партиянинг ҳисоб рақамларидаги қолдқик маблағлар 11 млрд. 438,9 млн. сўмни ташкил этган. 2024 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 78 млрд. 370,5 млн. сўм келиб тушган, жумладан, устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 46 млрд. 601,8 млн. сўм, сайловларга тайёргарлик кўриш учун 12 млрд. 141,2 млн. сўм, аъзолик бадалларидан 9 млрд. 43,5 млн. сўм, тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромад 199,7 млн. сўм, ҳоимийлик ва хайрия ёрдамларидан 9 млрд. 67,3 млн. сўм ва бошқа тушумлар 1 млрд. 317,0 млн. сўмни ташкил этган.

Партиянинг 2024 йилдаги Устав фаолиятини амалга оширишга қаратилган харажатлар 67 млрд. 456,0 млн. сўмни ташкил этди, жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 38 млрд. 894,0 млн. сўм, хизмат сафари харажатлари 723,4 млн. сўм, дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар 8 млрд. 8,0 млн. сўм, асосий воситаларни сотиб олиш харажатлари 801,8 млн. сўм, товар моддий захира-ларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 1 млрд. 785,5 млн. сўм, коммунал хизматларга

харажатлар 729,9 млн. сўм, алоқа ва ахборот хизматлари 615,7 млн. сўм, ёнилғи харажатлари 535,7 млн. сўм, ижара харажатлари 178,6 млн. сўм, сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш 500,0 млн. сўм, сайловларга тайёргарлик кўриш учун 12 млрд. 141,2 млн. сўм ва бошқа харажатларга 2 млрд. 542,2 млн. сўм (жумладан: обзона учун 750 млн., кўриқлаш хизмати учун 630 млн., касабаяюшмаси учун 700 млн., суғурта ва банк хизматлари учун 200 млн. ва бошқа харажатлар учун 262 млн. сўм) сарфланди.

Партиянинг банк ҳисобварақларида 2025 йил 1 январь ҳолатига қолдқик маблағлар 22 млрд. 353,3 млн. сўмни ташкил этди.

2025 йилда партиянинг жами бюджети 96 млрд. 175,1 млн. сўмни ташкил этилиши кутилмоқда, шундан 63 млрд. 348,0 млн. сўм давлат бюджетидан ажратилаётган, 10 млрд. 23,8 млн. сўм аъзолик бадаллари ҳисобидан, 200 млн. сўм хайрия ёрдамлари ҳисобидан, 250 млн. сўм тадбиркорлик фаолиятидан келиб тушаётган ва 22 млрд. 353,3 млн. сўм ҳисоб варақларидаги қолдқик маблағлардир.

Партиянинг 2025 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилди. Партиянинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига 70,0 фоиз, хизмат сафари харажатларига 1,0 фоиз, дастурий вазифалар билан боғлиқ

харажатларга 10,0 фоиз, алоқа ва ахборот хизматларига 3,0 фоиз, асосий восита ва товар моддий захираларни сотиб олишга 6,0 фоиз, коммунал хизматлар, ёнилғи, ижара, сақлаб туриш ва жорий таъмирлашга 6,0 фоиз ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир ва бошқа харажатларига 4,0 фоиз ажратиш режалаштирилган.

2024 йилда партиянинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси ва унинг жойлардаги бўлиmlари томонидан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва ҳудудий партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини тасдиқланган режа асосида йил давомида ҳудудий партия ташкилотлари томонидан партия Устави талаблари ҳамда партия интизоми тамойилларига риоя этилиши, аъзолик бадалларининг тўланиши ва келиб тушаётган маблағлар мақсадли ва самарали ишлатилиши ва Низомда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш бўйича тафтиш назоратлари ўтказилди.

Шунингдек, Марказий назорат-тафтиш комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг молиявий аудити якуни бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда ижроси таъминланди.

ДАРОМАДЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИ...МИ?

Порахўрлик худди уй деворига тушган пўпанакка ўхшайди. У аста-секин деворни нуратиб, бора-бора қулатишгача олиб боради. Бир қарашда ҳаво айланишининг бузилишидан ҳосил бўлган бу ҳолат қўрқинчли кўринмайди. Аммо вақт ўтгани сари у бугдан томчиға, томчидан моғорға, моғордан эса каттароқ коррозияга эврилиб улкан иморатни яроқсиз ҳолатга олиб келади. Таъбир жоиз бўлса, коррупция ҳам худди шундай тадрижий ривожланиб, қайтариб бўлмас талафотларни ҳосил қилади. Фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини сўндириб, иқтисодиётни жар ёқасига келтириб қўяди. Ҳуқуқ-тартибот заифлашади, жамиятда тенгсизлик авж олади.

Айни шу жараёнда келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ушбу иллатга қарши кураш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида порахўрликнинг асосий сабабларидан бири – давлат хизматчиларининг даромадларини яшириши эканига урғу берилди. Шунга кўра, бошқарув ҳамда ижро этувчи орган ходимларини даромад ва мол-мулкни декларация қилиш мажбуриятини жорий этиш лозимлиги белгиланди.

НЕГА ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ КЕРАК?

Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулки декларацияси – унинг календар йили давомида топган фойдаси, мавжуд мол-мулки ҳамда харажатлари тўғрисидаги маълумотлар баёни ҳисобланади.

Аввало, ҳукумат вакиллари ва уларнинг оила аъзолари ҳамда яқин қариндошларининг қиримлари ва мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиш мажбуриятининг ўрнатилиши – бу уларнинг коррупция ҳолатига йўл қўймаслигига туртки бўлади.

Ижро этувчи орган ходимлари ва амалдорларнинг даромад манбалари аниқ бўлмагани, уларнинг ҳаёт тарзи қонунга мос келмаслиги коррупцияга замин яратади. Декларациялаш мам-

Шунингдек, қайси орган декларация тизими учун масъул бўлиб, уни тўплайди, муддатини белгилаб, тартиб-шартлари ва сақлаш тамоийларини ишлаб чиқади?

Бу каби саволларга жавоб топиш ўз ўрнида ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДА-ЧИ?

Декларация қилиш БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (8-модда), Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва бошқа халқаро институтларнинг бир қатор ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Мазкур тизим дунёнинг кўплаб мамлакатларида бор. Аммо ягона

вакиллари ўз даромадини декларация қилиши зарур.

Шунингдек, Бразилия, Дания, АҚШ ва Қозғистонда ҳукумат ходимлари даромадлари бўйича ҳисобот берса, Финляндия ва Сингапурда давлат ишчилари ҳар йили ўз харажатларига доир ҳисобот топшириши шарт.

Яна бир қизиқ жиҳати, Швеция, Норвегия ва Канада фуқаролари у давлат ходими бўладими ёки хусусий сектор ишчисими, фарқи йўқ, барча баробар ўз даромади ҳақидаги декларацияни топширишга мажбур. Бундан ташқари, Францияда “Бойлик солиғи” жорий қилинган бўлиб, унга кўра, тадбиркорлар ва машҳур шахслар ўрта синф фуқароларига нисбатан юқорироқ солиқ тўлашлари талаб этилади. Мисол учун, таниқли француз актёри Жерар Депардье ва бошқа кўплаб машҳур шахслар айнан “Бойлик со-

ми жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш белгиланган.

Шу вақтгача турли сабаблар билан пайсалга солиб келинган қонун ижросини таъминлаш ишлари янги йилдан бошлаб давлат раҳбари топшириғи билан жадал тусга кирди. Тизимга кўра, давлат хизматчилари ўз мулки ва даромадларини расмий равишда декларация қилиши, агар уларнинг қирим манбалари расман тасдиқланмаса, ҳуқуқий жавобгар бўлиши белгиланмоқда. Шунингдек, ноқонуний бойлик орттириш жиноий жавобгарликка тортилишини назарда тутадиган қонунчилик нормалари киритилиши режалаштирилган.

Маълумот учун, давлат хизматчисининг шахсий манфаати (тўғридан-тўғри ёки билвосита) унинг хизмат вазифаларини ҳолис бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатга манфаатлар тўқнашуви, дейилади. Бу жараёнда давлат хизматчисининг шахсий манфаати билан бошқа шахсларнинг қонуний манфаатлари ўртасида зиддият юзага келади.

Энг асосийси, даромадларни декларация қилиш қўшимча қирим солиқларининг ундирилишига, бу эса маблағлар давлатнинг ижтимоий хизматлари, инфратузилмани ривожлантириш, таълим ва тиббиёт соҳаларига сарфланишини англайди. Қолаверса, бу ҳолат солиқ хилма-хиллигини камайтириб, ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, даромадларини декларация қилиш коррупция ва махфий иқтисодий фаолиятларга қарши курашишга ёрдам беради. Бу жамоатчиликнинг амалдорлар ва компаниялар устидан назоратни яхшилашга имкон яратади. Коррупциянинг камайиши натижасида ҳалол рақобат муҳити юзага келиб, фойдали ва арзон лойиҳалар сони ортади. Бу, ўз навбатида, иш ўринларини кўпайишига ҳамда умий иқтисодий ривожланишга олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистонда мазкур тизимни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, декларация маълумотларини аниқ ва ишончли текшириш механизмларини жорий этиш ҳамда халқаро тажриба ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш зарур.

Ҳаёт ва давр талаби шу: давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизимини кенг жорий этиш ва унинг самардорлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг изчил давом эттирилиши коррупцияга қарши курашда муҳим қadam бўлади.

Муборак УСМАНОВА,
Жамоат хавфсизлиги
университети профессори,
юримдик фанлар доктори.
Гўзалхон НУРМУҲАММЕДОВА,
Жамоат хавфсизлиги университети
доценти, юримдик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

САРАТОН ЭРТА БОСҚИЧДА АНИҚЛАНСА...

МИЛЛАТ БОЙЛИГИ АЁЛЛАРНИНГ
САЛОМАТЛИГИГА БОҒЛИҚ. ДАВЛАТИМИЗДА
ХОТИН-ҚИЗЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ВА
ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРЛАР
ДОИРАСИДА КЕНГ КўЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАНИ ҲАМ БЕЖИЗ ЭМАС.

Афсуски, охириги йилларда кўрак беи саратони аёлларда учрайдиган онкологик касалликлар орасида етакчи ўринни эгалламоқда. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар ўнинчи аёл ушбу дард билан оғрийди. Бир йилда эса у тўғайли икки миллионга яқин заифа ҳаётни тарк этади. Уларнинг ярмидан кўпини 35 дан 55 ёшгача бўлганлар ташкил қилишини ҳисобга олсак, ҳам оила, ҳам фарзандлар, ҳам жамият учун керакли даврида ҳаётдан кўз юмишлари жуда ачинарли ҳолат.

Кўрак беи саратони атиги 10-15 фоиз ҳолларда эрта босқичда, 50 фоиздан ортиқ ҳолларда 3-4 босқичда аниқланади. Бу эса даволаш учун кетадиган умумий маблағнинг эрта босқичдаги нисбатан 25-30 баробар кўтарилишига олиб келади. Қанчалик эрта аниқланиб, муолажалар бошланса, беимор ҳаёти шунча узоқ давом этиши мумкин. Масалан, дард илк босқичда маълум бўлиб, даволаш бошланса, аёл 20 йилгача яшай олади. Бироқ ҳозирги кунда айни дардга чалинганларнинг 50-70 фоизи (3-4 босқичда) дастлабки 5 йилда дунёдан кўз юмади.

Касалликни диагностика қилишнинг асосий усули маммографиядир. Маммографик скрининг – рентген нурлари ёрдамида кўрак безларида мавжуд бўлиши мумкин бўлган патологик жараёни кидиришдир. Фақат шу усул билангина безлардаги патологик ҳолатни эрта босқичда аниқлаш ва беморга 92-96 фоизгача тўғри ташхис қўйиш мумкин.

Ўзбекистонда маммографик ускуналар билан жиҳозлаш 2019 йилда Бухоро вилоятида бошланиб, ҳудуддаги тиббий муассасалар зарур технологиялар билан таъминланди. Ҳозирги кунда эса барча вилоятларда

ҳам мобил, ҳам стационар маммографлар ёрдамида скрининг олиб борилмоқда. Миллий дастур бўйича кўрак саратони скрининги 45 ёшдан ошган аёлларда ўтказилмоқда ва текширув мутлақо bepул. 2023 йилда кўрак саратони тўғайли юз берган ўлим кўрсаткичлари 6 фоиз, 2024 йилда 5,4 фоизни ташкил этган.

Маммографик скринингнинг саратон профилактикасидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида аёлларимизни ушбу текширувдан ўтказиш йўлга қўйилган ва кенг миқёсда амалга оширилмоқда, тарғибот тушуинтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу борада O'zLiDeP “Аёллар қаноти”нинг фаолияти тахсинга сазовор. Сиёсий куч “O'zLiDeP – онкологик касалликларга қарши” лойиҳаси доирасида мунтазам равишда bepул тиббий кўриклар ўтказмоқда. Партия фойдалари мутахассислар иштирокида касалликнинг эрта диагностикаси ва профилактикаси ҳақида доимий равишда давра суҳбатлари ташкил қилмоқда. Бундай тадбирлар маҳалларда, ўқув муассасаларида, корхоналарда ўтказилмоқда. Аёлларимиз керакли тиббий билимларга эга бўлиб, ўз вақтида мутахассисга мурожаат этмоқда, юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олди олинмоқда. Зеро аҳолининг тиббий маданияти ошсагина давлатимизнинг энг катта бойлиги бўлмиш халқ саломатлиги сақланади, жамият қувватли ва соғлом бўлишига эришилади.

Дилобар МИРРАҲИМОВА,
тиббиёт фанлари доктори,
олий тоифали
жарроҳ-маммолог,
O'zLiDeP Чилонзор туман
кенгаши раиси
ўринбосари



лакат муассасалари ходимларининг молиявий шароитини шаффоф шаклга келтириб, ноқонуний бойлик орттириш ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради. Қолаверса, коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини яратиб, давлатга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ

Декларация қилишнинг янги тизимини жорий этиш ёки мавжуд тизимни ўзгартаришдан олдин муайян мақсадларни аниқлаш зарур. Ўзбекистонда мамлакат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этишда фақатгина халқаро ҳужжатлар ёки бошқа давлатлар тажрибасига таяниб қолиш ярамайди. Шунга кўра, миллий қонунчилик ислохотлари ва сиёсий мақсадлар муайтараклигидан келиб чиқиб, қуйидаги саволларни ўз олдидимизга қўйишимиз керак:

Қайси меъёрий ҳуқуқий базани танлаш жоиз?

Давлат хизматчилари учун ягона қонун ҳужжати жорий этиш керакми ёки структуравий кўламидан келиб чиқиб, ҳар бири учун алоҳида меъёр белгилаш лозимми?

стандарт мавжуд эмас. Яъни ҳар бир мамлакат ўз қонунчилик талаблари ва бошқа жиҳатларга кўра ушбу ҳуқуқий ҳужжатни шакллантиради. Аммо барча тизимлар икки асосий мақсад – ноқонуний бойлик орттириш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган.


лиғи”ни тўлашдан қочиб, Франция фуқаролигидан воз кечишган.

ЎЗБЕКИСТОНДА БУ ЖАРАЁН ҚАНДАЙ?

Мамлакатимизда давлат хизматчиларининг харажатлари, даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тизими ҳамда уларнинг молиявий ҳолатини назорат этиш бўйича ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги, манфаатлар тўқнашуви тартибга солилмагани коррупцияга сабаб бўлаётгани сир эмас. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли фармонида давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, давлат хизмати ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли фармонида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг фаолият йўналишларидан бири этиб давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкни декларация қилиш тизи-

Маълумот учун,
давлат хизматчиси
қонуний даромадидан
ошиб кетган моддий
активларини мантиқий
асосда тушуинтириб бера
олмаслиги ноқонуний
бойлик орттириш дея
баҳоланади. Ва ақсар
ҳолларда бу жиноий
жавобгарликка сабаб
бўлиши мумкин.

Масалан, Хитойда барча давлат ходимлари ҳар йили ўзи ва яқин қариндошларининг харажатлари ҳамда даромадлари ҳақида маълумот тақдим этиши, Буюк Британияда эса Парламент аъзолари ва Лордлар палатаси



ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

Янги РАИС сайланди

O'zLiDePning "Ангрен" иссиқлик электр станциясидаги бошланғич партия ташкилотчи ҳисобот сайлов йиғилишида ушбу куйи бўғиннинг ўтган даврдаги фаолияти, амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди.

Айниқса, фаолларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги иштироки, ҳудуд аҳолиси билан мулоқотлари, ёшларни сиёсий куч сафига жалб этиш билан боғлиқ ишлари, маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорлиги, сайлов округларидаги муаммоларни ҳал этишдаги иштироки кўриб чиқилди.

Таянч тузилмага етакчилик қилган С. Салимованинг қайд этилишича, партия сайловолди дастуридаги аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш йўналишида муайян ишлар қилинган. Станция ишчи-ҳодимларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларнинг соғлиғини сақлаш, фарзандларининг таълим олишлари учун шароит яратиш каби ишлар доимий назоратда бўлди.

"Ангрен ИЭС" АЖ матбуот котиби бўлиб ишлаган Ш. Бахтиярова ушбу БПТ раислигига сайланди. Янги етакчи БПТ фаолиятини янада ривожлантириш, ўзига билдирилган ишончни оқлашга ваъда берди.

Зухро МИРЗОХАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят
кенгаши бўлим мудири

Муносибдан ВОЗ КЕЧИЛМАЙДИ

O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилоти ўз таркибига 150 мингдан зиёд фаолларни бирлаштирган 1 266 та бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Бугунгача уларнинг 788 тасида ҳисобот сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

Уларда 673 нафар етакчи ўз ўрнига қайта сайланди. 115 та куйи бўғин етакчилари фаолияти қоникарсиз деб топилиб, уларнинг ўрнига серғайрат, фаол, фидойи фаоллардан янги раислар сайланди.

Эътиборлиси, уларнинг 63 нафари хотин-қизлардир.

Шароф Рашидов туманидаги фаол депутатлардан Оламгир Бегимов тумандаги 22-оилавий поликлиникада ташкил этилган куйи бўғин раиси. Ташкилотда ўтказилган йиғилишда у ўтган йилги фаолият ҳақида ҳисобот берди, партия дастуридан ўрин олган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, аҳоли мурожаатларини ҳал қилишда амалга оширилган ишларни санади. Бир неча марта тумандаги

кам таъминлаган хотин-қизлар учун бепул тиббий кўрик ташкил этилганини айтди.

Куйи бўғин аъзолари унинг фаолиятини қониқарли деб топишди ва бир овоздан яна раисликка сайлашди. Тадбир якунида партия сафига янги қабул қилинган фаолларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

**O'zLiDeP Жиззах вилоят
кенгаши
матбуот хизмати**

Беминнат кўмак кўрсатилди

O'zLiDeP Тойлоқ туман кенгаши депутати Насиба Мўминовага Ястепа маҳалласида яшовчи Ҳ. Ҳимматова мурожаат этиб, ижтимоий аҳоли оғирлиги туфайли операция харажатларини қўтара олмаслигини, имкони бўлса, ёрдам кўрсатишни сўраган эди.

"Бир депутат 100 аёлга кўмакчи" лойиҳаси доирасида ушбу масалага ижобий ечим топиш бўйича туман кенгаши депутатлари Тойлоқ туман тиббиёт бирлашмаси, туман халқ қабулхонаси вакиллари билан биргаликда ўрганишлар олиб боришди ва дарҳол тегишли чоралар кўриш учун ушбу мурожаат вилоят

кардиология марказига юборилди.

II гуруҳ ногирони Ҳ. Ҳимматованинг операцияси учун вилоят кардиология диспансери томонидан суғурта тизими асосида 40 млн сўмлик харажат қоплаб берилди ва кардиология марказида малакали шифокорлар томонидан жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, беморнинг саломатлигини тиклаш учун кўмак кўрсатилди.

**O'zLiDeP Самарқанд вилоят
кенгаши матбуот хизмати**

ТЕРМИЗЛИК
МИЛЛИОНЕР АЁЛ

Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, хотин-қизлар ўртасида ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яқинда Термиз шаҳрида "Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори" лойиҳаси доирасида маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Ана шундай тадбирлардан бирида, O'zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши депутати Шоҳиста Алламуратова, вилоят кенгаши депутати Геннадий Кравченколар "Ўзбекистон" маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Шоҳиста Абдураззоқова хонадонида бўлишди.

Қайд этиш жоизки, тадбиркор аёл ўзининг изланишлари ва муваффақиятлари билан маҳаллада бошқаларга намуна

бўлмоқда. Жумладан, бир неча йилдан буён хонадонидagi тўрт сотихли иссиқхонада кулупнай етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилиб келмоқда.

– Бир мавсумда ертутдан ўртача 30-45 миллион сўмгача даромад қиламан, – дейди Шоҳиста Абдураззоқова. – Қолаверса, оилавий нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳозирда кунига 300-350 дона нон маҳсулотини тайёрлаб бозорга чиқарамиз. Бу ишлар менга нафақат молиявий манфаат келтиради, балки ўзимга бўлган ишончни мустаҳкамлаб, келгусида қатор иш уринлари, илғор бизнес лойиҳаларини амалга оширишимга замин яратади.

**O'zLiDeP Сурхондарё
вилоят кенгаши
матбуот хизмати**



ҚУТЛОВ

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлари
малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази
Самарқанд филиали жамоаси

халқимизни маънавий
поклик, сабр-қаноат,
хайру саховат айёми –
Рамазон ҳайити билан
чин юракдан табриклайди!
Барчамизни Яратган ҳамиша
ўз паноҳида асраб,
икки дунё саодатини насиб этсин.
Рамазон ҳайити
қутлуг бўлсин!

САМАРҚАНД ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШҚАРМАСИ
ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни
Рамазон ҳайити билан
самимий муборақбод этади!
Хонадонимизни қут-бароқа, дастурхонимизни
тўқин-сочинлик асло тарқ этмасин.
Ҳар кунимиз байрам бўлсин!

Ўзбекистон Фермерлар кенгаши жамоаси

ТАБРИК

юртдошларимизни, шу жумладан, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш,
халқ фаровонлигини ошириш йўлида ҳалол хизмат қилаётган барча фермерларни меҳр-оқибат, бағрикенглик,
эзгу ниятлар байрами – Рамазон ҳайити билан чин қалбдан қутлайди.

Ҳар бир ватандошимизга бахту саодат, тани-сиҳатлик,
тўқинлик ва хотиржамлик ёр бўлсин!



ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ: Илгаридан ҳам Ватан бор экан...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ҳаёт бўлганида шу йил баҳорда халқимиз 85 ёшини нишонлар эди. Йигирма йил бўлибди, адабнинг дундан ўтганига. Лекин ҳамон катта-кичик давраларда, адабий гурунгларда унинг шарафли номи кўп эсланади, жаҳон адабиётининг энг нодир намуналарига тенг асарлари фахр билан тилга олинади.

Муболагасиз айтиш мумкинки, Ватанни севиш, юртга фидо бўлиш ва жаннатмонанд ўлкамиз, унинг бой табиаоти, оқибатли одамлари ҳаётини санъат даражасида ёрита олган санокли ёзувчилардан бири эди.

Ватан, миллат, озодлик деганда қалби оғрийдиган инсон эди у. Тўғри, ҳаммамиз Ватанни севамиз. Лекин Ўзбекистонни, Туркистонни унингдек ёниб севган, унингдек ёниб қўлай олган қаламкаш кўп эмас адабиётимизда.

Мен адабиётни қисматим деб ал-лақачон айтиб қўйганман. Бунн ўзим биламан, Оллоҳ билади. Қисматим демаганимда, мен бу ерларда – ёзувчилар дала ҳовлисиди макон тутмай, хотин, бола-чақамнинг ёнида юрад-дим. Тузукина рўзнома ёки журнал-га муҳаррирлик қилиш ҳам қўлимдан келди... Шахсан мен бу йўлга кир-димми... йўқ, орқага қайтиб бўлмайди. Бошқача ҳаёт кечира олмайман. Лекин бир нарсаса афсус қиламан. Бу йўлдан кетган одам, бу руҳда тарбияланган одам рўзгордан қийналар экан. Мен рисоладагидек эр бўлолмадим деб ҳисоблайман ўзимни. Яхши, меҳрибон ота бўлолмадим. Ҳаётининг кўп дам-ларини адабиётга сарфладим. Бундан афсусланмайман.

Ишонасизми, баъзан ҳикояни ёзиб бўлганимдан кейин уни бировга кўрсатмай, редакцияларга ҳам бер-май юраман. Яхши кўрган қуйининг хиргойи қилгандек, ўзимча ўқиб, ўзим-ча завқланиб юраман. Кейин... ҳаёт шундайки, тирикчилик ўтиши керак: жиғилдон ташвиши бор, бирор редак-цияга элтаман.

Мен матбаа соҳасида Иброҳим Раҳимдек бағрикенг, кўркмас ва тад-биркор раҳбарни кўрганим йўқ! У ки-ши миллий қадриятларимиз ҳақида ҳар қандай қалитис материалларнинг ҳам чоп этилишига бош бўлар, “Ўзим жавоб бераман. Сизлар топинглари!” дер, биз ҳодимлар жон-жаҳдимиз билан ишлар эдик. Тасаввур этинг, 1967-68-йиллар “Темур тузуқлари”ни босиш учун қанақа юрак керак... Ай-тадиларки, “халқ қандоқ бўлса, раҳбар ҳам шундоқ бўлади”, деб. Йўқ, кўпинча раҳбар қандоқ бўлса, халқ ҳам шундоқ бўлиб кетар экан.

Ҳақиқий адабий тилимиз – Чўл-поннинг тили. Менга бу гапни Шукур Бурҳон айтган. “Шукуржон, 30-йил-лари биз адабий тилни норма қилдик. Чўлпондан ўргандик. У бизга адабий эмакдош эди. Режиссёримиз Маннон Уйғур эди. Шунда адабий тил шакл-ланган эди. Кейин шўронинг таъсирига ўтиб, русча гаплашадиган, шевада га-пирадиган бўлдик... Ўзбек тили бузи-ляпти, бузиляпти”, деб Шукур Бурҳон армон билан ўтиб кетди.

Мен иккинчи курсдаёқ шеър ёзишни ташлаб кетганман. Бунга Аб-дуллажон сабаб бўлган. Мен ўшанда Абдуллажондан ўтказиб шеър ёзо-лмаслигини англаб етган эдим... Уми-ман, шеърни яхши кўраман. Қулоғим тинч, кўнглим тинч бўлган пайтларда шеър ўқийман. Шеърнинг садағаси ке-тай, бунда гап кўп...

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

бу ердаям бир қонуният бор-а: маъна-вий муҳитимизда ёлғон кўп бўлгани-дан адабиётда ҳам ёлғон кўп эди, де-йиш мумкинми? Бироқ яна юқоридаги фикрга қайтасан киши: ахир, адаби-ётнинг вазифаси, демак, ўша ёлғонни ҳам акс эттиришдан иборатмасмиди?

Мана, бахтимиз бор экан: замон айланиб, рост гапни – борини айтиш имконияти очилди. Бу – ёзувчи учун бахт! Ахир, ёзувчига нима керак? Ана шу эркинлик-да! Ёзувчининг вазифа-си нима? Ҳақиқатни айтиш-да! Шунинг учун бўлса керак, дунё адиблари ўр-тасида тарқалган қадим бир гап бор: ёзувчининг худоси ҳақиқат эмиш.

Мен “Қутлуг қон”ни ҳали ҳам ҳуз-ур қилиб ўқийман. Мана, Мирзака-римбой ҳақидаги ўйларимдан бир шингил: “Бой бўлишнинг ўзи бўлмас экан. Ахир, у одам нақадар тadbир-корлик билан бой бўлди! Хотининг тақинчоқларига қачириб сотди, ер олди. Уғли Ҳакимбойваччага зўр маслаҳат берди-я, Фарғонада пахта заводи очиш тўғрисида? Ўзимизда за-водлар бўлиши лозимлиги ҳақида бой-ларимиз ўшандаёқ ўйлаган экан-да?! Унинг Йўлчибойга насиҳатлари... Хўп, ана, Мирзакаримбойнинг ўн олти яшар Гулнорни хотинликка олишни “ёмон” дейлик. Лекин бу ҳолни ҳам тушуниш мумкин: нима қипти ёш хотин олган бўлса?”

Ҳақиқий ёзувчи мен одамни тар-бия қилялман, демайти. Уни мўлжал-ламайди. Бу – ўртача ёзувчиларнинг иши.

Пушқиннинг машҳур гапини эсланг-а: “Я плачу над вымыслом!” Ўзи тўқиган – бадий тўқимани салмоқлаб кўриб... йиглар экан! Ҳафати ҳол, а? Аммо ёзувчи учун бу табиий ҳолдир. Ана шунинг учун ҳам азизимиз Абдул-ла Қодирий Кумуш ўлганида сим-сим йиғлаган... Французнинг буюги Фло-бер Бовари хоним ўлган чоғда ўзидан кетиб қолган... Асар яралиши жараё-нида битта нуктага жиддий эътибор берилишини истайман: қаҳрамоннинг кўнглидан изма-из, босқичма-босқич ва узвий мунтазамликда кечадиган ҳамда (демак) қайёқадир кўтарилиб ёхуд пастлаб борадиган ҳис-туйғулари ва ана шулар таъсирида пайдо бўлади-ган (маънилими, бемаъниши – фарқи йўқ) фикр-мулоҳазаларнинг табиий чиқишига... ҳушёр бўлишни истайман: бу иш шу қадар нозик ва мураккаб жа-раёнки, ҳар қандай олий математик ҳи-соб-китоб ҳам ҳеч нарсадир!

Замон қаҳрамони ҳақида ёзади-ган ёзувчининг ўзи тўғри, тўлиқ бўли-ши керак. Ҳемингуэйнинг бир гапи бор: яхши одамдан яхши ёзувчи чиқади. Демак, ёмон одамдан ҳеч қачон яхши ёзувчи чиқмайди... Ким ўзини ўзича-лик тасаввур этади?! У ўзини, ўзлигини асарда акс эттиради. Ўзи, ўзлиги чатоқ бўлгандан кейин ижобий қаҳрамон қа-ердан пайдо бўлсин?!

Адабиёт миллий кўтарилишлар, жамиятнинг ўсиш даврларида, чўкиш даврларида тараққий этар экан. Кўни кеча – мустақиллик арафасида биз-нинг шоирларимиз бир даҳодай, йўл-бошқидай чиқишди. Шеърдан ҳузур олдик. Шеър бизни бошқарди.

Вақти келганда, ижодқорни бир оғиз илиқ сўз билан сийлаб қўйиш ҳам унинг ҳаётини ўзгартириб юбо-риши мумкин экан. Бироқ пишмаган мевани уриб туширадиган “мерган”-дек мукофотга интилиш, ҳай-ҳай, уят! Тамагирликдан бошқа нарса эмас! Холбуки, бундай “мерган”ларнинг со-ни... э, жуда кўп! Битта яхшигина шо-ирнинг Оқилжон Хусановга “Во, ака-жон-э, жуда қийналиб кетдим-э шу мукофот учун!” деганини эшитганман. Шоира комсомол мукофотини олган эди. Бунинг учун ўзининг вилоятига қатнаб, анча талабномалар биттир-ган экан. Каттакан бир адабимизнинг бу йўриғда айтган гапи ҳам эсимда: “Агар шу йил ҳам давлат мукофотини бермаса, Яшиннинг эшиги оғзида ётиб оламан!” Э, шу йўл билан мукофот ол-гандан кўра “четда турган яхши”-да! Ғурурингни поймол этмайсан. Қола-верса, бу ўткинчи дунёда адиб дегани Шахс бўлиб ҳам қолиши керак-ку!

“Тошкент” меҳмонхонасида ўтир-ганимизда Чингиз Айтматов келиб қолди. Биз кўпчилик эдик, раҳматли Ботир Зокиров ҳам ҳаёт эди. “Сиз-лар жуда ширин гаплашасизлар. Кто здесь прозаик?” деди у. Бир-иккимиз айтдик. Шунда “Сизлар жиндек со-вуққон бўлиб ёзинглар. Жуда гажак қилиб юборманглар”, деди. Мен ёмон таъсирланганман. Кейин ўқидим, дунё адабиётда шунақа ёзадиган ёзувчи-ларни “шафқатсиз ёзувчи”, улар наси-рини эса “яланғоч проза” дейишди. Қандай қилиб айрим миллатларнинг ёзувчилари шу даражага етар экан, деб ўйладим.

Бизда кўпинча адабиётшунослар бирор бир адибнинг маънавий мулки – ижоди ҳақида фикр юритганда ва уни у. Жуда бу тарафдан ёндашиб таҳлил эт-ганда, ўша адибнинг шахсига – у ҳам конкрет бир одам, шахс, пироварди, характер эканми; унинг ана шу харак-тери, индивидуал хусусиятлари ҳам асарларига, тасвир усулларига бево-сита ўтиши, қолаверса, “услуб – ёзув-чи” деган эски ақидага амал қилмай-роқ кетишларини сезамиз. Холбуки, бу масала – ижодиётда туб масалалардан биридир.

Адабиётда бир гап бор: ёзувчи ЁЗИШНИ ёзиш жараёнида ўрганади. Адабий жамоатчилик фикри унга қў-шимча куч бағишлайди.

Бир куни Абулқосим мадрасаси-нинг бир хужрасида (Абдулла Қоди-рий хужрасига қўшни) режиссёр Баҳо-дир Йўлдошев, шоир Усмон Азимов ва тагин бир-икки улфатлар билан ўтир-гандик. Баҳодир сўраб қолди:

– Шукур ака, ўзи, босмачиларнинг ғояси бўлганми?

– О, бўлганди қандоқ! – деб маъ-руза ўқий кетдим. Кейин у:

– Нега “Қилқўприн” романингизда шу нарсаларни очик ёзмагансиз, – деб сўради.

– Кўрққанман, – дедим.

– Кўрққанг! – деб хитоб қилди у бирдан. – Менга босмачиларнинг ас-лида ким бўлгани ҳақида битта пьеса ёзиб беринг! Мен қўяман... Усмон, ай-тинг бу кишига!

– Ака, ёзинг, – деди Усмон. – Дунё ўтди ку... Ёзинг, биз ёнингизда тура-миз.



Бу суҳбат кечганда, “қайта ку-риш” деган сўзнинг ўзи йўқ эди.

Энам ўлган кун. Тобутни оп-чиқиб кетишяпти. Орқамдан бир ке-линчак бақириб: “Холажон, опамни сўраб қўйинг” деди... Бундан икки-уч йил олдин Юнусободдан беш хона-ли уй берилган эди. Ўша ерда битта ўзим қишладим. Ётибман. Хонам де-разасининг бир кўзи учган эди. Бир маҳал ўйғониб кетдим. Хона совиб кетган. Оёғимни дивандан тушириб, эшикка қарадим. Қарасам, Менгзиё турибди! Сафаров... Бадалларимни, у ёқ-бу ёғимни чимчилаб, ўйиб-ўйиб олдим. Йўқ... Қарадим, турибди Мен-гзиё! “Менгзиё, кепсиз-а? – дедим. – Умарбеков яқинда кетган эди, шуни сўраб қўйинг”. У турибди. “Менгзиё, Умарбековни кўрдингизми?” дедим. У ғойиб бўлди. Менга таъсир қилди шу нарсалар. Оллоҳга шукр, “Динозавр” романимни ёздим; худо умр берса, яна баъзи нарсаларни қоралаш ни-ятим бор. Лекин ўзим яхши кўрган одамлар ҳақида – Менгзиё, Умарбе-ков, Шухрат ака, Одил ака, Абдулла-жон бор, Усмон ҳақида ёздим... Бу – одамнинг кетаётган пайтидаги васи-яти эмас, аммо шунга яқин бир нар-салар бўлади. Кимни, қандай фази-латларни яхши кўрсан... Ўшани ёзиш эҳтиёжи ўлимлар туфайли кўнглимга тушди.

Бир асаримни Москвада таржима қилмоқчи бўлишди. Сўзма-сўз таржи-масини юбордим. “Молодая гвардия” нашриётидан Шевелёв деган ношир Темур Пулатов билан келди... Зоҳир Аълам деган ёзувчи укамиз бор, шу билан Хоразмга бордик. У ерда Омон Матчоннинг отасининг худойиси бўла-ётган экан, шунга кириб ўтдик. Ҳаво совуқ эди, эшик олдида ёшуллар чир-роили-чироили чопон қилиб туришган экан. Шевелёв шундан олиб бер, деди. Суриштирсам, икки минг сўм тураркан, ўша пайтда тўрт мингга машина берар-ди, менда бунча пул йўқ, дедим. Ха-фа бўлди, гаплашмай қўйди. Эртасига меҳмонхонада Темур менга бир рўйхат тутқазди. Қарасам ёнғоқ, майиз, пис-та ва ҳоказо ноз-неъмат, ҳаммаси ўн килодан ёзилган. Мен хайрон қолдим. Бу нимаси, дедим. Ҳамма шунақа қи-лади, деди Темур. Биров туркман ги-лам, биров пўстин – ким асарини тар-жима қилдирса чекига тушаркан. Мен қилмайман буни, бор, кетавер, дедим. Шундан кейин асарларим таржимаси-га қизиқмадим.

Шундай булбуллар бор, ёнида ҳар хил қўшлар (масалан, ҳақка) бўлса, бу-зилади ҳар хил қўшларнинг овозини эшитиб. Канарейкани одамлар тарбия қилаётганида энг яхши канарейкалар билан бирга боқади. Шулардан ўрга-нар экан чиройли овоз чиқаришни. Бу-яни ўрганиш-да! Ёзувчилик маҳоратини ошириш учун бошқа ёзувчиларни ўқи-миз. У араб бўладими, негр бўладими

– шулардан ўрганамиз.

Биз ўша сунъий бир вакуумда, изоляцияда яшаган давримизда чет эл ёзувчиларига қаттиқ берилган эдик. У Тагорми, Бальзакми, Жек Лондон-ми, Стендалми – нима бўлса ҳам ўқир эдик. Ва: “Э, адабиёт бундай бўлар экан-да!”, дер эдик. Ўзимизнинг ада-биёт эса қониқтирмас эди... Ғарб таъ-сирига тушиб ғарбчи бўлган пайтлари-миз ҳам бўлди. Тасаввур қилинг: бир корхонада, бошлиқ қўл остида меҳнат қиладиган ёзувчини. Энди унинг асари нима бўлади? Қаҳрамонлари-чи? Мен аминманки, унинг ижобий қаҳрамони ҳам худди ўзи каби қарам бўлади! Де-моқчиманки, ёзувчи ҳам ўзини тарбия-лаши керак... ҳар қандай шахс, албат-та ўзлигига қайтади. Ва, шу маънода, бугунги ғарбчилар ҳам бир кун келиб Шарққа қайтиши табиий!

Юртга борар бўлсам, машинам бор вақтида-да, ўшанда Чак-чак до-вони устига чиқиб ўтирар эдим. Бой-чечак очилган бўладими, ё ҳазон фас-ли... Ё тавба! Хатто ўша ердан қайтгим ҳам келар эди. Ё тавба! Шу қандайдир дақиқалар учун мен бир йил тайёрлан-дим. Ва мана, келдим. Утирибман. Шу, ўша – менинг энг бахтиёр онларим...

Муҳаммад Ҳодий деган бир озар шоири ўтган. Унинг “Алвоҳу интибоҳ” асари бор. Рауф Парфи таржима қил-ган. Жуда оғи-ир поэма у. Лекин биз уни таржимасиз ўқидик. Ўшанда адаш-масам мана шундай байт бор: “Муҳаб-батлар муваққатдир, / Фақат ғамлар ҳақиқатдур”. Ёки кечаги кунимиз ҳақи-да ёзилгандек туюладиган қуйдаги ға-лати сатрларни учратдим: “Ватан обод шаклинда, Қўллар озод шаклинда”.

Биз моддият – бирламчи, руҳ – иккиламчи; материя – бирламчи, онг – иккиламчи, деб катта бўлган ав-лодимиз. Аммо-лекин жуда фозил, ориф одамлар ҳам айтишади: “Худо дегил-у, билганингдан қолма!” Мен демоқчиманки, одам ўз-ўзини тарбия-лаш асосида яхшилиқни топар экан, демак, ҳамма нарса ўзида – ботинида бўлиши керак.

Биласизми, ҳаммамизнинг вужу-димизда, руҳиятимизда бир худбинлик бўлади. Инсониятда бор. Бу туғма бўл-са керак, чунки бу худбинлиқни туза-тиб бўлмайди. Инсон – ўлиб тирилга-нидек, бу нуқсон у билан бирга ўлиб, қайта яна тирилади. Кейинги авлодлар билан бирга.

Бизга етишмай келаётган нарсал-лардан энг муҳимлари – ижодда ҳа-лоллигу ҳаётда мардликдир.

Мен истайман, ҳамма рост га-пирса. Мен истайман, нафсдан ўзини устун қўйсалар. Тамом, бошқа ния-тим йўқ. Шунинг замирида маънавият ётибди.

Филология фанлари доктори
Олим ТОШБОЕВ саралади.
Манба: “Tafakkur” журнали,
2022 йил 1-сон.